
МАРҒИЛОНДА ТУРКИЙ ДУНЁ МОДАЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган иккинчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали доирасида вилоятимизда Халқаро Туркий маданият ташкилоти – TÜRKSOY билан ҳамкорликда ташкил этилган VI Туркий Дунё модалар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Марғилон шаҳридаги “Ёдгорлик” корхонасида бўлиб ўтган тадбирда республикаимиз дизайнерлари билан бир қаторда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Монголия, Россия Федерациясининг туркий республикалари – Татаристон, Тува, Якутиядан келган машҳур либослар дизайнерларининг миллийликка асосланган коллекциялари намойиш этилди.

Кўргазмада Халқаро Туркий маданият ташкилоти Бош котиби Султанбай Раев иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-23 15:15:22